Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 18-fevral, seshanba № 23 (3372)

Қурултой

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг VII қурултойи бўлиб ўтди. Унда делегатлар, касаба уюшма фаоллари ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этишди. Конференция кун тартибидаги биринчи масала — тармоқ ходимлари касаба уюшмасининг 2010-2013 йиллар давомида олиб борган фаолияти ва келгусидаги вазифалар ҳақида тармоқ Марказий кенгаши раиси Фарҳод Ханапияев маъруза қилди.

Масъулият, изчиллик, самарадорлик

Таъкидланганидек, тармоқ касаба уюшмаси аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасида кўпгина ишлар амалга оширилган, хусусан, уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тармоқ Марказий кенгаши ўртасида имзоланган тармоқ Келишувига кўра Тошкент врачлар малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда хайрли ишга қўл урилди. 2011 йилдан бошлаб 1500 нафардан зиёд Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, ҳудудлардаги бошқармалар, республика илмий марказлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари, даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари ва захира кадрлари учун «Касаба уюшмаларининг жамиятдаги ўрни ва асосий вазифалари», «Ижтимоий шериклик», «Иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатлари», «Меҳнат муҳофазаси масалалари» мавзуларида ўқув ташкил этилди. Жорий йилдан республикадаги даволаш-профилактика муассасаларининг бош ва етакчи олий маълумотли ҳамширалари учун ўқувлар режалаштирилган бўлиб, ижроси таъминланаяпти.

Ўтган даврда бошланғич ташкилотлар фаолиятини намунали тарзда йўлга қўйиш бўйича саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берди. Жумладан, тармоқ Марказий кенгаши ташаббуси билан Устав бўйича фаолияти намунали деб топилган, турли кўрик-танловларда ғолибликни қўлга киритган бошланғичлар тажрибасини оммалаштириш жамоат ташкилоти нуфузи кескин ошишига сабаб бўлди. Намунали ташкилот иш тажрибаси иккитадан бошланғичга ўргатилиб, улар фаолияти талаб даражасида йўлга қўйилгач, ҳар бир ташкилот яна иккитадан бошланғичга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди.

(Давоми 2-саҳифада).

Президентимиз раҳнамолигида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш масалаларига устувор аҳамият қаратилмоқда.

БЕХАТАР ОНАЛИК, БЕЗАВОЛ БОЛАЛИК

Навоий вилоят перинатал марказида 300 нафардан зиёд малакали акушер-гинеколог, реаниматолог, неонатолог, педиатр, доя, лаборант ва ҳамшира меҳнат қилмоқда. «Бехатар оналик», «Болаларнинг ўсиш ва ривожланиш мониторинги» дастурлари асосида билим ва малакасини ошириб бораётган шифокорлар она ва бола саломатлиги муҳофазаси, ташхис қўйиш ҳамда тиббий ёрдам кўрсатишда илғор тажриба ва замонавий ускуналардан самарали фойдаланмоқда.

Марказда 2013 йилда 4 минг 632 чақалоқ дунёга келиб, барчасидан профилактик эмлаш ва скрининг текширувлар учун таҳлиллар олинди.

СУРАТЛАРДА: *катта доя — Назокат Аҳмедова; (чапдан) — ҳамшира Дилафрўз Камолова ва шифокор Зуҳра Ҳамроқулова.*

Сирож АСЛОНОВ (ЎзА) олган суратлар

Публицистика

Фарзанд — ҳаёт давомчиси, умид чироғи. Дарҳақиқат, униб-ўсаётган ўғил-қизлар камолида бизнинг орзу-ҳавасларимиз яшайди. Ушалмаган, армон бўлиб қолган истакларимиз рўёбини улар истиқболида кўрамиз.

Юртнинг равнақи

жисмонан соғлом, маънан баркамол авлод қўлида

Ахир улар биздан кўра бахтли, билимли, доно ва илму маърифатга интилувчан. Улар учун барча шарт-шароит муҳайё. Улар меҳр ва эътиборимизда, ғамхўрликлардан баҳраманд.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши йиғилишини телевидение орқали кузатар экансан, ана шу ўйлар шууримдан ўтди.

Авлодларига, келажагига шунчалар ғамхўр эл фарзанди эканлигимдан қалбим, бутун вужудим ифтихорга, фахру ғурурга тўлди.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур Жамғарма фаолияти хусусидаги илиқ фикрлари, ўтган йиллар давомида болалар спорти борасида эришилган ютуқ ва муваффақиятларнинг самимий эътирофи ҳар бир юртдошимизни тўлқинлантиргани табиий. Дунё аҳли эса Ўзбекистон болалари жаҳон андазаларига мос, замонавий спорт мажмуаларида шуғулланаётганига яна бир бор амин бўлди.

Зеро, бизнинг борлиғимиз ҳам, бойлигимиз ҳам фарзандларимиз. Уларнинг бахту иқболи, яхши яшаши, билим олиши, ўзи истаган машғулот билан шуғулланиши учун ҳар нарсага тайёрмиз.

Мажлисда таъкидланганидек, 2013 йилнинг ўзида юртимизда болалар спортини ривожлантириш мақсадида 113 та спорт иншооти ва сузиш ҳавзаси, 55 та болалар мусиқа ва санъат мактаби бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу объектларнинг 132 таси қишлоқ жойларида ишга туширилгани янада қувонарли.

Ушбу рақамлар таъкидланар экан, кўз ўнгимда болалик йилларим гавдаланди. Нигоҳларим олдидан вужуди шижоатга тўла, аммо иқтидорини намоён этишга имконсиз қишлоқ ёшларию, синфдошларим бирма-бир ўтди.

Биз ҳам ҳамма болалар сингари спортга қизиқардик, футбол ўйнаш энг севимли машғулотимиз эди. Аммо қизиқишларимизни амалга ошириш учун на дурустроқ стадион, на тузукроқ тўпимиз бор эди. Топган ериминг мактабимизнинг югурсанг чанг-тўзон кўтариладиган томорқасию, суякдан ясалган, тошдан қаттиқ тўп бўларди, холос. Теннис столи йўқлигидан парталарни бирлаштириб, машғулот ўтказардик баъзан. Жисмоний тарбия дарси эса кузда қувлашмачоқ, қишда қорбўрон ўйнашга айланиб кетарди.

(Давоми 4-саҳифада).

Конференция

Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг навбатдан ташқари V конференцияси бўлиб ўтди. Йиғилишда бирлашма кенгаши раиси Омон Ҳакимжоновнинг бирлашма 2010 йил июл ойидан 2014 йил феврал ойигача олиб борган фаолият тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Чуқур ва холис таҳлил

фаолиятимизда ниҳоятда қўл келади

Бирлашма кенгаши ҳамда унинг тизимидаги касаба уюшма ташкилотлари меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда тегишли қонунчилик ҳужжатларига асосланиб фаолият кўрсатиб келмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси, Савдо-саноат палатаси ва Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасида имзоланган Бош келишув тизимдаги қатор муаммоларни ҳал этишда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилди. Натижада, ижтимоий шерикликни ривожлантириш, тармоқ ҳамда минтақавий келишувларнинг таъсирчанлигини ошириш, тўлақонлилигини таъминлаш асосий иш мезонига айланди.

Жамоа шартнома ва келишувлари орқали 2011-2013 йиллар давомида йил дастурлари моҳиятидан келиб чиққан ҳолда 17540 нафар фуқаро ҳамда 17206 та кам таъминланган оилага 7 миллиард 41 миллион сўмлик-дан зиёд ижтимоий кўмак берилди. Шундан 869 миллион 488 минг сўми касаба уюшма ташкилотлари ҳисобидан сарфланди. Бирлашма кенгаши қошида «Ишонч телефони» ташкил этилган бўлиб, 2012 йил давомида 254 та, ўтган йили эса жами 300 та мурожаат бўлган. Бундан ташқари, 48 та ёзма мурожаат кўриб чиқилиб, деярли барчаси қаноатлантирилди.

Шу билан бирга, бирлашма кенгаши томонидан тасдиқланган режага асосан ойда бир марта туман ва шаҳарлараро аъзоларни қабул қилиш кунлари ташкил этилди. Жумладан, ўтган йил давомида Бекобод шаҳри, Чиноз, Оҳангарон, Паркент, Юқори Чирчиқ, Янгийўл туманларида 150 нафарга яқин фуқаро қабул қилиниб, уларнинг саволларига жавоб берилди. Вазиятни ўрганиш жараёнида вилоят шоҳбекатлари ва йўловчилар бош бекатлари ишлаб чиқариш давлат унитар корхонаси касаба уюшмаси ташкилотида меҳнат қонунчилигига эътиборсизлик билан муносабатда бўлинаётганлиги аниқланди. Қонунбузарликлар юзасидан иш берувчиларга ходимлар манфаатларини кўзлаб тақдимномалар киритилмоқда. Зарур ҳолатларда судларга даъво аризалари билан мурожаат этиляпти. Натижада, 4 нафар ходим вазифасига қайта тикланди.

Бирлашма кенгаши томонидан ҳисобот даврида 200 дан зиёд корхона ва ташкилотнинг меҳнат муҳофазаси бўйича қонун, қоида ҳамда меъёрларга риоя этиш бўйича фаолиятлари ўрганиб чиқилди. Касаба уюшма ташкилотларининг аралашуви билан аниқланган камчиликларнинг 94,5 фоизи бартараф этилди. Корхона ҳамда ташкилотларда меҳнат муҳофазаси бўйича 3 минг 600 нафардан зиёд жамоатчилик асосида сайланган вакил фаолият кўрсатяпти. Улар мунтазам равишда цех ва участкаларда жамоатчилик назоратини олиб боришмоқда.

Маънавий-маърифий ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу борада бирлашма кенгашининг Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, Хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ЁИҲ, маданият ва спорт ишлари бошқармаси билан ҳамкорлиги кутилган натижани беряпти.

(Давоми 2-саҳифада).

Бугунги ёшлар

Мамлакатимизда ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар уларни янгидан-янги ташаббусларга чорлаяпти. Сирдарё вилояти Боёвут қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежини битирган Феруза Жўраева ҳам 60 гектар ер майдонида ўзи тенги 10 нафар коллеж битирувчисини ёнига олиб, фермер хўжалиги ташкил этди. Улар билан бирга 5 нафар миришкор деҳқон ҳам хўжалик ривожига ҳисса қўшаяпти.

Интилганга толе ёр

— Биринчи йилдаёқ ҳосилимиз баракали бўлди. Даромадимиздан битта ҳайдов трактори сотиб олдик. Кейинги йили эса лизинг асосида 10 йил муддатга чопиқ трактори харид қилдик, — дейди ёш фермер Ф.Жўраева.

Хўжалик аъзоларининг жонкуярлиги боис ўтган уч йил давомида ғалла ва пахта топшириш режалари муваффақиятли бажарилди.

— Фермер хўжалиги ташкил этишга киришганимда, ҳали роса қийналишимни айтганлар ҳам бўлди. Бироқ шунча қулайлик ва шароит борлигини била туриб, орқага чекингинг келмас экан. Натижа эса, кўриб тургинангиздек, ёмон эмас, — дейди фермер қиз.

Ёшлардаги қалб қайноқлиги келажакка ишончнинг кучлилигидан. Феруза ўтган йили «Камолот» ЁИҲ томонидан ташкил этилган «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» танловида қатнашиб, 20 миллион сўмлик имтиёзли кредитга эга бўлди. Ушбу маблағни чорвачилик соҳасини ташкил қилишга сарфлади. Ҳозирда хўжаликда 30 бош қорамол ҳам парваришланмоқда.

Ушбу муваффақиятлар сабаб қаҳрамонимиз «Ташаббус — 2013» республика танловининг вилоят босқичида 2-ўринни эгаллади. «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» шиори остида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «Камолот» ЁИҲ, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши каби қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган кўргазмада иштирок этиб, «Энг намунали ёш фермер» номинацияси ғолиблигини қўлга киритди. Президентимиз Фармони билан юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшлар қаторида «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Ҳа, мустақиллик ёшлари қалби орзу-интилишларга тўла. Уларда имкониятлар ҳам етарли. Фақат меҳнат қилса, изланишдан чарчамаса бўлгани.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

Янгиликлар оқимидан

АНДИЖОН

Андижон вилоятидаги корхона, ташкилот ва таълим муассасаларида «Ёшлар маънавиятини юксалтиришда Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодининг ўрни» мавзуида давра суҳбатлари ўтказилди.

АЖДОДЛАР ЭЪЗОЗДА

Жумладан, Андижон шаҳридаги 41-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган тадбирда уларнинг ижодини чуқурроқ ўрганиш, тарғиб қилиш, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш борасида сўз юритилди. Ўқувчилар томонидан улуғ шоирларимиз асарларидан саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Ўз мухбиримиз

НАВОИЙ

«Ванғози» қишлоқ фуқаролар йиғини нафақат туманда, вилоятда ҳам кўзга кўринган масканлардан саналади. Ҳудудда аҳоли ҳаёт тарзининг юксалиши анча юқори. Яқинда бу ерда «GIZILTEPA SOAP» МЧЖ, яъни хўжалик совуни ишлаб чиқарадиган корхона фаолият бошлади.

ВИЛОЯТДА ЯГОНА

Қувонарлиси шундаки, бу турдаги маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхона вилоятда ягонадир. Соатига 2 тонна маҳсулот тайёрлашга мўлжалланган корхонада иш қизғин. Бу ерда ҳозирда 12 нафар ишчи фаолият юритаётир. Маҳсулотлар аллақачон вилоятимизнинг турли ҳудудларида сотувга чиқарила бошланди. Келгусида совун турлари ва ишчи ўринларини кўпайтириш бўйича имкониятлар қайта кўриб чиқилаётир.

Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» мухбири

ФАРҒОНА

Қўштепа туманидаги «Баркамол авлод» болалар ижодиёт маркази ўқувчиларнинг севимли масканига айланган. Бу ерда болалар бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун барча шароит яратилган.

СЕВИМЛИ МАСКАН

Табиатшунослик, инглиз тили, рақс, бичув-тикув, доира, бадиий ҳаваскорлик каби 19 та тўгаракда 500 нафар ўқувчи қизиқишига кўра машғулотларга қатнашмоқда.

Айниқса, компютер саводхонлиги тўгараги катта қизиқиш уйғотмоқда. Музаффар Ҳошимов раҳбарлик қилаётган ушбу тўгаракда ҳафтада уч кун 30 нафардан ортиқ ўқувчи уч гуруҳга бўлинган ҳолда ўз малакасини ошириб бормоқда. Уларнинг 10 нафари қизлардир.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

ҚАШҚАДАРЁ

Янги Нишон шаҳрилик тажрибали тадбиркор, «Сардор» хусусий корхонаси раҳбари Холли Туробов «Улуғбек» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги ташландиқ бинони қайта қуриб, бир кунда 150 кишига хизмат кўрсатадиган ҳаммом ва сауна барпо этишга киришди.

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Лойиҳа қиймати 506 миллион сўмлик объектни бунёд этиш учун у ўз маблағидан ташқари банкдан 35 миллион сўм кредит олди.

Иззат ҲИКМАТОВ

Ishonch
2014-yil 18-fevral № 23 (3372)

Масъулият, изчиллик, самарадорлик

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Меҳнат муҳофазаси ходим фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Шуни ҳисобга олган ҳолда ҳисобот даврида тармоқдаги 1347 муассасадан 1094 тасида меҳнат шароитлари яратиш ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишлар касаба уюшма мутахассислари томонидан ўрганилиб, амалий ёрдам кўрсатилди, семинарлар ўтказилди. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, ўтган даврда турли масалалар юзасидан 750 та ёзма ва 200 дан ортиқ оғзаки мурожаат ўрганилиб, аксарияти ижобий ҳал этилган. Марказий кенгашда жорий этилган «Ишонч телефони» ҳам меҳнаткашлар ҳуқуқини ҳимоялашда қўл келаётир.

Аъзоларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш тармоқ касаба уюшма ташкилотлари диққат марказида бўлди. Жумладан, тиббиёт муассасаларида ишловчилардан 11400 нафар кам таъминланган оилалар вакилларига, фарзанди 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар таътилда бўлган оналарга моддий ёрдам кўрсатилди. Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқиётган 124 нафар кам таъминланган иқтидорли талабага касаба уюшмаларининг стипендияси жорий этилди. Ходимлар фарзандларини соғломлаштириш, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини қўллаб-қувватлаш, «Меҳрибонлик» уйларига ҳомийлик ёрдами кўрсатиш, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига ўқув қуроллари ва дарсликлар харид қилиш каби ишлар ҳам изчил олиб борилди. Жумладан, «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди, 5350 нафар аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилди.

Ҳисобот даврида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ҳамда кенг қўламли ислоҳотлар моҳиятини, давлат дастурларининг аҳамиятини соҳа ходимларига, айниқса, ёшларга атрофлича тушунтириш мақсадида касаба уюшма ташкилотларида мунтазам равишда «Маънавият соатлари» ўтказиб борилди. Унда республика Маънавият тарғибот маркази ҳудудий бўлинмаларининг масъул ходимлари, олимлар, профессор-ўқитувчилар, соғлиқни сақлаш, ички ишлар идоралари, хотин-қизлар қўмиталари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ходимлари иштирок этишди. Бундан ташқари, турли маданий-маърифий тадбирлар, республика миқёсидаги кўрик-танловларда фаол иштирок этиш, юртимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳатлар уюштириш борасида эътиборли ишлар амалга оширилди.

Дарвоқе, тармоқ Марказий кенгаши халқаро фаолиятни ривожлантириш мақсадида хориж давлатлари касаба уюшмалари билан алоқа ўрнатиш, ўзаро тажриба алмашишга катта эътибор қаратганлиги таъкидлаб ўтилди. Тармоқ касаба уюшмаси вакиллари Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси халқаро Конфедерацияси йиғилишларида мунтазам иштирок этиб келади. Марказий кенгаш раиси бевосита Конфедерация Ижроия қўмитаси аъзоси саналади. 2012 йилда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси халқаро Конфедерацияси ҳамда Белорусия Республикаси халқаро соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қўмитаси билан Ҳамкорлик келишувлари имзолади. Ҳисобот даврида тармоқ касаба уюшмаси вакиллари JILAF (Япония халқаро меҳнат фонди) тақлифига кўра Японияда ривожланаётган мамлакатлар касаба уюшмалари раҳбарларининг малакасини ошириш мақсадида ўтказилаётган ўқув дастурларида ўз маърузалари билан иштирок этишди. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Қурултойга Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси халқаро Конфедерацияси президенти, Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси раиси М. Кузьменко ўз қутловини йўллагани эътиборга молик. Қутловда шундай жумлалар бор: «Қурултой делегатларига республика соғлиқни сақлаш ходимлари манфаатлари йўлидаги меҳнатларига самара, фаолиятининг янада ривожланиши, соҳа ходимларининг турмуш даражасини ошириш учун олдинга қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда муваффақият тилаб қоламиз.

Аминмизки, қурултойнинг барча йўналишлар бўйича самарали иши ва қабул қилинган конструктив қарорлари касаба уюшмаларингиз бирдамлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади». Бу каби илиқ муносабат ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Шунингдек, фаолиятдаги айрим муаммоларга тўхталиб ўтилди. Уларни бартараф этишга оид ва касаба уюшмаларининг устувор йўналишлари асосида келгусидаги вазифаларга эътибор қаратилди. Сўзга чиққанлар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Қурултойда қатор ташкилий масалалар кўрилди. Жумладан, тармоқ Марказий кенгаши Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши деб номланди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг навбатдан ташқари VI Қурултойига делегатлар сайланди.

Кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Чуқур ва холис таҳлил

фаолиятимизда ниҳоятда қўл келади

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Кун тартибидаги масала муҳокамасида сўзга чиққан Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Баҳодир Мирзаев, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қибрай туман кенгаши раиси Зокир Шораҳмедов, «Максам Чирчиқ» ОАЖ касаба уюшма ташкилоти етакчиси Бахтиёр Абдуллаев, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ташкилий ишлар бўлими мудири Равшан Самарбековлар вилоят касаба уюшма ташкилотларининг иш самарадорлиги ҳамда ташаббускорлигини ошириш борасидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.

Конференцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг навбатдан ташқари VI Қурултойига делегатлар сайланди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

* * *

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг навбатдан ташқари VI конференциясида делегатлар ҳамда ҳамкор ташкилотлар раҳбарлари иштирок этишди. Бирлашма кенгаши раиси Эсон Ражабов бирлашманинг 2010 йил август ойидан 2014 йил январ ойигача бўлган фаолияти ва келгусидаги вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

— Ҳисобот даврида давлат дастурлари асосида ишлаб чиқилган тадбирлар ва аниқ манзилли дастурлар бўйича жамоа шартномалари орқали 7419 та корхона ва ташкилот томонидан 27277 нафар кам таъминланган, кўп болали муҳтож оилалар, меҳнат ва уруш фахрийлари ва ногиронларга 2 миллиард 345 миллион сўм сарфланди, — деди маърузачи. — Жумладан, касаба уюшма маблағидан 439 миллион 500 минг сўм ажратилди. Ўтган йили корхоналарда амалиёт ўтаган кам таъминланган, ижтимоий кўмакка муҳтож 1765 нафар касб-ҳунар коллежи ўқувчисига энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида, коллежни имтиёзли диплом билан битириб, корхоналарга ишга жойлашган 706 нафар ёш ходимга 32 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Бирлашма ҳуқуқшунослари томонидан 700 дан ортиқ корхона, ташкилот ва муассасада меҳнат қонунчилигига амал қилишнинг аҳволи ўрганилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатилди. Фуқаролардан тушган 2451 та оғзаки ва ёзма мурожаат кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилди. Жумладан, ғайриқонуний тарзда ишдан бўшатилган 173 нафар ходим ишга тикланди, қонунга хилоф равишда бошқа ишга ўтказилган 207 нафар ходим ўз иш ўринларига қайтарилди, иш ҳақи билан боғлиқ бўлган 145 та ҳолат ижобий ҳал этилди. Бирлашма кенгашида 2011 йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Ишонч телефони»га келиб тушган 489 та мурожаат юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Бундан ташқари, олиб борилган тизимли ишлар натижасида ҳисобот даврида 1150 та нодавлат ташкилотда меҳнат қилаётган 19260 нафар ходим касаба уюшма аъзолигига қабул қилинди...

Маърузадан сўнг фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Илҳом Сабдаров, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси:

— Кейинги пайтда касаба уюшмаларининг барча бўғинларида тузилмани такомиллаштириш бўйича амалий ишлар қилинди, тизимнинг молиявий фаолияти, айниқса, аъзолик бадаллари тақсимотида бошланғич ташкилотлар манфаатини кўзлаб жиддий ўзгаришлар киритилди. Барча даражадаги касаба уюшма органлари билан давлат бошқарув идоралари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамлана бошланди. Нодавлат сектор корхоналарини касаба уюшмасига жалб этиш ишлари жонлантирилди. Халқаро жамоат ташкилотлари билан яқин алоқани йўлга қўйишга киришилди. Ишчи-ходимлар учун қатор имтиёзлар, қулайлик ва енгилликлар татбиқ этилаётгани ҳам қувонарлидир.

Ўз навбатида, «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши раиси Фурқат Норматов, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Январ Иноятов, Муборак газни қайта ишлаш заводи унитар шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Акрам Ҳамроев, Нишон маиший хизмат коллежи ўқитувчиси, бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Дилором Пакирова, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиқ ўринбосари Шермат Ражабов ва бошқалар сўзга чиқиб, ҳисобот даврида амалга оширилган ишларга ўз муносабатини билдиришди.

Конференцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг навбатдан ташқари VI Қурултойига делегатлар сайланди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

* * *

Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг навбатдан ташқари VI конференциясида бирлашма кенгаши раиси Ғулом Сафаров 2010 йил 7 июлдан 2014 йил 7 январгача бўлган фаолият ва галдаги устувор вазифалар хусусида тўхталди.

Ижтимоий шерикликнинг амалий асоси бўлган жамоа келишувлари ва шартномаларини тузиш, уларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Вилоят ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ўртасида 1 та ҳудудий келишув, туманлар ҳамда шаҳарлар миқёсидаги 15 та ҳудудий тармоқ келишуви, бевосита корхона ва ташкилотларда эса 6076 та жамоа шартномаси амал қилмоқда.

Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 2010-2013 йиллар давомида 27229 нафар фуқаро ҳамда 24664 та оилага 7 млрд. 119 млн. сўмлик моддий ёрдам берилгани эътиборга молик. Касаба уюшма вакиллари томонидан туман, шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари мутахассислари билан ҳамкорликда 886 та корхона ҳамда ташкилотда 4043 та янги иш ўрни яратилгани ўрганиб чиқилди.

Бирлашма кенгашига 2010 йилнинг иккинчи ярмидан 2013 йил охиригача фуқаролардан 940 та мурожаат келиб тушган. Шундан 903 таси ижобий ҳал этилган. Мурожаатларни ўрганиш натижасида аниқланган қонун бузилишлари юзасидан иш берувчи ва уларнинг юқори органларига нисбатан 146 та тақдимнома киритилиб, шундан 110 таси қаноатлантирилди. Натижада, ходимларга етказилган 70 млн. 902 минг сўмдан ортиқ зарар ундириб берилди. Меҳнат шартномалари қонунга зид равишда бекор қилинган 60 нафардан зиёд ходим олдинги ишига тикланди. Иш берувчилар ва бошланғич ташкилотларга 3013 марта ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини бажариш билан боғлиқ харажатлар 4 млрд. 327 млн. сўмдан 11 млрд. сўмга етди. Бу борада ҳар бир ходим учун сарфланган маблағ миқдори салкам икки бараварга ошди. Меҳнаткашлар саломатлигини тиклаш учун йўлланмалар кўпайиб, имтиёзлар кенгайтирилди. Спортнинг оммавийлиги ошиб бормоқда.

Анжуман кун тартибидаги масалалар юзасидан музокаралар бўлиб ўтди. Нотиқ ва сўзга чиққанлар эришилган ютуқлар билан бир қаторда мавжуд камчиликлар хусусида ҳам аниқ фикрлар билдиришди. Галдаги вазифалар белгилаб олинди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг навбатдан ташқари VI Қурултойига делегатлар сайланди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Давра суҳбати

Меҳнат соҳасидаги муҳим масалалар муҳокамаси

Аввал хабар қилганимиздек, мамлакатимиз ҳудудларида «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусидаги давра суҳбатлари барчада катта қизиқиш уйғотаётир.

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида ташкил этилган давра суҳбатида шаҳар ҳокимлиги, бошқармалар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишни бирлашма кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Нуршод Ғиёсов очиб, кейинги йилларда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркалари ўтказилаётгани, яратилаётган иш ўринларининг ҳаққонийлиги, улардаги меҳнат шароитлари ҳолати мониторинги олиб борилаётганини таъкидлади.

Шу билан бирга, 100 дан зиёд овқатланиш ташкилотлари, устахоналар фаолияти ўрганилиб, уларда норасмий ишлаётган 54 нафар фуқаро расмий секторга ўтказилди. Касаба уюшмасига аъзолик афзаллигини асослаш борасида муайян ишлар амалга оширилиб, 485 та бошланғич ташкилот тузилди ва жамоа шартномалари орқали уларда ишлаётган аъзоларнинг ижтимоий ҳамда ҳуқуқий ҳимояси йўлга қўйилди.

Аъзолар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласи ҳам долзарблигича қолмоқда. Бу ишни тўлақонли амалга ошириш мақсадида иш берувчилар ҳамда бошланғич ташкилотлар, бир қатор жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан ҳамкорликда давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилаётир. Ҳуқуқий масалалар юзасидан бирлашма кенгашига аъзолардан 869 та мурожаат тушиб, аксарияти ижобий ечим топди.

Юқоридаги вазифаларни тўлақонли амалга оширишда турли ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик ниҳоятда қўл келмоқда.

Давра суҳбатида шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчиси Мадамин Раҳимов, Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси пул муомаласини тартибга солиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ҳусан Ваҳобов, Тошкент шаҳар молия бош бошқармаси бўлим мудири Дамир Ражабов, касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бўлим мудири Равшан Самарбековлар сўзга чиқиб, меҳнаткашлар фаровонлигини юксалтириш, бу йўналишдаги ҳамкорликни янада яхшилаш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишди ва йиғилганларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтаришди.

Ўз мухбиримиз

***

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ҳам давра суҳбати ташкил қилинди. Унда вилоят ҳокимлиги, мутасадди идора ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этдилар. Давра суҳбатини вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Б. Матяқубов олиб борди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бўлим мудири Ўрол Адилов тадбирда сўзга чиқиб, кейинги йилларда касаба уюшмалари томонидан меҳнаткашлар манфаати ҳимояси янада кучайтирилгани, шу мақсадда белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш, айниқса, бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш, нуфузини ошириш борасидаги ишларга тўхталиб ўтди.

Касаба уюшмалари томонидан янги иш ўринлари ташкил қилиш, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш, санаторийлар ва оромгоҳлардаги шарт-шароитларни янада яхшилаш борасидаги ишлар ва бошқа кўпгина чора-тадбирлар юртдошларимиз томонидан эътироф этилиб, уларнинг касаба уюшмаларига бўлган ишончи ортмоқда. Меҳнат соҳасидаги саволларга жавоб топиш, ечимини кутаётган масалаларни ўртага ташлаш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан зарур чоралар белгилаш мақсадида уюштирилаётган давра суҳбатлари кўпгина масалаларнинг вақтида ҳал этилишини таъминлаяпти.

Хоразм вилоят ҳокимлиги ахборот таҳлил гуруҳи раҳбари Машариф Бакиев Президентимизнинг Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган муҳим қарорлари асосида Урганч шаҳридаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, вилоятда саноат, қишлоқ хўжалиги ва сайёҳлик соҳаларини ривожлантириш мақсадида ўтган йили умумий қиймати 292 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 784 та лойиҳа амалга оширилганини таъкидлаб ўтди. Натижада, аҳолининг турмуш фаровонлиги ошди, янги иш ўринлари яратилиб, иш шароитлари яхшиланди.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори Бахтиёр Ибрагимов эса ўтган йили 60568 та иш ўрни яратилгани, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаб ўтди.

Давра суҳбатида, вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Ў.Абдуллаев, Фермерлар кенгаши раиси Б.Тожиев, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти раиси Ў. Абдуллаев ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари касаба уюшма фаолларининг меҳнат муносабатларига доир саволларига жавоб қайтардилар.

М. ТЎРАБОЕВА

***

Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида бўлиб ўтган давра суҳбатида давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, касаба уюшма фаоллари иштирок этишди. Уни бирлашма кенгаши раиси Қ.Оқбўтаев олиб борди.

Таъкидланганидек, жорий йилда вилоят ҳокимияти, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2014-2016 йиллар учун имзоланган келишув меҳнат жамоаларида мамнуният билан кутиб олинди. Ушбу ҳужжат жойлардаги ҳудудий келишувлар ҳамда энг қуйи бўғиндаги жамоа шартномалари мазмун-моҳиятини бойитиш ҳамда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш имконини берди.

Умуман олганда, ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этиш, жамоа шартномалари орқали кам таъминланган ва кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлаш, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан жамоат назоратини кучайтириш каби йўналишларда тизимли ишлар йўлга қўйилди. Бундан ташқари, жамоа шартномаларига ёшлар, хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш бўйича алоҳида йўналишлар киритилди.

Мазкур йўналишлардаги ишларни янада мазмунли ташкил этиш мақсадида кўплаб ташкилотлар билан ҳамкорлик режалари ҳам ишлаб чиқилди. Хусусан, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, «Нуроний» жамғармаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси бирлашмаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан қўшма тадбирлар имзоланиб, ижроси таъминланаяпти.

Давра суҳбатида вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Комилжон Эрназаров, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси Давлат инспекцияси бошлиғи Тўлқин Абдураззоқов, Марказий банк вилоят бош бошқармаси бўлим бошлиғи Ҳусниддин Ўрозалиев, молия бошқармаси бўлим бошлиғи Зокиржон Бобоев ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши юридик бўлими мудири Диёрбек Кимсанов ўртага ташланган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбир жараёнида меҳнат соҳасига оид саволларга жавоб берилди.

О.МАМАДАЛИЕВА

Ishonch
2014-yil 18-fevral № 23 (3372)

Меҳнат муҳофазаси



Меҳнат муҳофазасига доир қонунлар ижросини таъминлаш қуйи бўғин — бошланғич ташкилотларда уч босқичли маъмурий жамоат назорати тарзида амалга оширилмоқда. Вакилларнинг бу борадаги билим ва тажрибаларини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Ўтган йили вилоят бўйича 2720 нафар вакил хавфсиз иш шароитини ташкил этишга доир ўқув ва семинарларга жалб этилди. Корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги мутасаддилари, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчилари жалб этилган ҳолда «Инсонга наф келтириш — олий бахт», «Муносиб меҳнат — муносиб ҳаёт асосидир», «Касаба уюшмалари қанчалик кучли бўлса, иш жойи шунчалик хавфсиз бўлади» мавзуларида учрашув, семинарлар ташкил этилди. Саъй-ҳаракатлар боис вилоят корхона ва ташкилотларида хавфсиз иш ўрни яратишга йўналтирилган маблағ миқдори кескин ошди. Йил якуни таҳлилига кўра, ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 19,5 минг сўмни ташкил

Хавфсизликка кафолат

Касаба уюшмалари фаолиятидаги устувор вазифалардан бири — меҳнат муносабатлари ва меҳнат муҳофазаси устидан қатъий жамоатчилик назоратини ўрнатишдир. Бу самарали услуб амалда ўз натижасини бераётир. Жумладан, Самарқанд вилоятида меҳнат муҳофазасини таъминлашга 6468 нафар жамоатчи вакил жалб этилган. Иш жараёнида йўл қўйилган 11858 та камчилик аниқланиб, бартараф этилишига эришилди.

этди. Жамоа шартномаларида меҳнат муҳофазасига оид бандларнинг бажарилиши тобора яхшиланиб бормоқда.

Бошланғич касаба уюшмалари ташаббуси билан меҳнатда турли сабаблар билан имконияти чекланиб қолган ёхуд кўнгилсиз ҳодисалар натижасида оила боқувчисидан ажралиб қолганларга кўмак кўрсатиш йўлга қўйилди. Хусусан, Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма ташкилоти эҳтиёжманд оилаларга 5 млн. сўмдан ортиқ моддий кўмак кўрсатди. Бўлимимиз ходимлари ҳудудий тиббий меҳнат эксперт комиссиялари мажлисларида иштирок этиб, 133 кишига ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолатда меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси олишида кўмаклашди.

Меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш жойларини шаҳодатлаш юзасидан муттасил мониторинг ўтказиб келинаётир. Ўтган даврда 80 та корхонада меҳнат шароити ноқулай ва зарарли иш жойлари шаҳодатдан ўтказилди. Мазкур ҳолат юзасидан аниқланган камчиликлар бартараф этилиб, ходимларга қўшимча таътил, қисқартирилган иш соатлари, имтиёзли равишда пенсияга чиқиш ҳуқуқи ва бошқа қатор имтиёзлар белгиланди.

Шунга қарамай, меҳнат муҳофазасига ҳамон панжа орасидан қараб келаётганлар йўқ эмас. Масалан, Қўшработ туман поликлиникаси, юқумли касалликлар шифохоналарида бу борадаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Мазкур жамоаларда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини бажариш бўйича масъул буйруқ билан расмийлаштирилмаган. Меҳнат шароити ва муҳофазасини яхшилаш дастури ишлаб чиқилмаган. Биринчи бор ишга кирувчилар учун иш жойида дастлабки йўриқ бериш журналлари юритилмаган, меҳнат муҳофазаси устидан уч поғонали маъмурий жамоат назорати ташкил этилмаган. Меҳнат шароити ноқулай ва зарарли иш жойлари баҳоланмаган, шаҳодатдан ўтмаган. Меҳнат муҳофазаси вакиллари сайланмаган. Ноқулай иш жойида банд ходимлар учун белгиланган қўшимча таътил, қисқартирилган иш соатлари, қўйингки, кўзда тутилаётган барча имтиёзлар амалиётда қўлланилмаётир. Самарқанд шаҳридаги 25-махсуслашган болалар боғчасида ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин.

Яна бир ҳолат. Меҳнат муҳофазасига доир қонунлар ижроси устидан қатъий назорат ўрнатилишига қарамасдан ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгилсизликлар рўй бераётгани ачинарли. Боз устига, айрим ташкилотларда хавфсизлик қоидаларига панжа орасидан қаралаётир. Масалан, Самарқанд шаҳридаги «Самарқанд дон маҳсулотлари», «Жума пахта тозалаш» заводи, «Марказий Ўзбекистон геологик тасвирлаш, излаш экспедицияси» каби қатор ташкилотларда ходимлар иш жараёнида жабр кўрганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар 9 тани ташкил этганини ҳам оқлаб бўлмайди, албатта. Тўғри жабрдийдаларга моддий зарар ва товон пуллари вақтида ундириб берилди. Аммо ходим саломатлиги моддий таъминотдан устунлигини ҳеч маҳал эсдан чиқармаслик керак.

Вилоятдаги меҳнат муҳофазасига дахлдор ташкилотлар билан ҳамкорликда муттасил текшириш ва ўрганиш-

шахс 29873,4 минг сўм миқдорида маъмурий жаримага тортилди. Ходимлар ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи асбоб-ускуна ва дастгоҳлар фаолияти вақтинчалик тўхтатиб қўйилди.

Шунингдек, ўтган йили ноқулай ва зарарли иш жойларида меҳнат қилаётган ходимлардан 47 нафари мамлакатимиздаги турли сиҳатгоҳларда имтиёзли бепул йўлланмалар билан дам олдирилди. Бундай тадбирлар кўламини кенгайтириш, иш берувчилар эътиборини хавфсиз иш ўринлари яратишга қаратиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни янада кучайтириш тадбирларини белгилаб олганмиз.

Усмон КАРИМОВ,
Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнат муҳофазаси бўлими мудири

Олам ва одам

Саудия Арабистони фуқароси Холид Бин Мухсин Шарининг оғирлиги ҳозирда 290 кг.ни ташкил қилади.



320 кг... оз эмас

У ўтган йили ортиқча вазндан халос бўлиш учун жарроҳлик операциясини бошидан ўтказди. Унгача 20 ёшдаги йигитнинг вазни 610 кг.га тенг бўлган.

Уни мамлакат пойтахти Ар-Риёдга келтириш учун мамлакат қуролли кучлари ёрдамидан фойдаланилди. Ҳатто, бунинг учун АҚШдан махсус ётоқ ва кран жалб этилди.

Қарабсизки, ҳеч қанча вақт ўтмай, Шари нақд 320 кг. га озишга муваффақ бўлди.

Ethiopian Airlines авиакомпаниясига тегишли бўлган йўловчи самолёти Женевада қўнишга мажбур бўлди.

Мажбурий қўниш

Маълум бўлишича, Аддис-Абеба — Рим йўналиши бўйича парвозни амалга ошираётган самолётдаги йўловчилар гаровга олингани ҳақида хабар берилган. Маълумотларга қараганда, Boeing 767-300 аэропортга маҳаллий вақт билан 6:10 да қўнган.

РИА ахборот агентлигининг хабар қилишича, ҳозирда барча йўловчилар бортни тарк этишган, жабрланганлар йўқ.

Женева аэропорти матбуот котиби ҳам Ehtiopian Airlines авиакомпаниясининг самолёти қўлга олинганини тасдиқлади. Швейцария ОАВнинг хабарларига кўра, жиноятчи қўлга олинган. Самолётни гаровга олган шахс иккинчи учувчи бўлиб чиқди. Айни дамда у мамлакат ҳукуматидан сиёсий бошпана сўрамоқда.

Реклама ва эълонлар

Тадбиркорлик

Марғилон шаҳридаги «Чилонзор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «NARIMTEKS» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси маҳсулотларига бўлган талаб хорижда кун сайин ўсиб бормоқда. Бу ерда юқори сифат ҳал қилувчи мезон саналади. Техник ва технологик янгиликлар туфайли ишлаб чиқариш ҳажми 28 фоиз ортганлиги ҳам бежиз эмас.

Ички ва ташқи бозорда харидоргир

— Корхонамиз ташкил топганига 5 йил бўлди, — дейди директор Жамшид Тиллабоев. — Кези келганда, давлатимиз томонидан биз тадбиркорларга яратиб берилган қулай инвестициявий муҳит, имтиёзлар фаолиятимизни йўлга қўйишда жуда қўл келганлигини таъкидлашни истардим. 60 нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорда жуда харидоргир. Ходимлар орасида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари анчагина ва бу айни вақтда ёшларнинг амалиёт ўташи учун шарт-шароит етарли эканидан ҳам далолат беради. Корхонага ўтган даврда Япониядан «Жукил», Хитойдан «Систар» тикув машиналари, Германиядан «Дуккоп Адлер» гул босиш ускунаси, Италиядан «Макли» бичув дастгоҳлари келтирилди.

Сифатли хом ашёнинг етказилишида Туркия, Хитой, Қирғизистон билан ҳамкорлик алоқалари яхши йўлга қўйилган бўлиб, жорий йилда 143,5 минг АҚШ доллари ҳисобида маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Реклама ва эълонлар

ДОВОДИМ ДО ВАШЕГО СВЕДЕНИЯ!

В связи с изменениями количество домов в лотах лоты с 1150 по 1156 в приглашении № 2014 – 04, участвующие в конкурсных торгах инвестиционной программы строительства жилья для комплексного развития села и опубликованные в газетах «Ishonch» №18 и «Қишлоқ ҳаёти» от 11 февраля 2014г. №18 читать в нижеуказанном порядке.

4-фаза

№ лота	Область	Район	Массив	Кол-во домов в лоте	Номер домов по Лоту	Конечный срок подачи предложений
Сурхандарьинская область						
1150/1	Сурхандарья	Термез	Солиобод	6	1,2,3,4,5,6	7 марта 2014 года, в 12:00
1150/2	Сурхандарья	Термез	Солиобод	6	7,8,9,10,11,12	7 марта 2014 года, в 12:00
1150/3	Сурхандарья	Термез	Солиобод	6	13,14,15,16,17,18	7 марта 2014 года, в 12:30
1151/1	Сурхандарья	Термез	Солиобод	2	19,20,	7 марта 2014 года в 12:30
1151/2	Сурхандарья	Термез	Солиобод	2	21,22	7 марта 2014 года в 13:00
1151/3	Сурхандарья	Термез	Солиобод	6	23,24,25,26,27,28	7 марта 2014 года в 13:00
1152/1	Сурхандарья	Термез	Солиобод	5	29,30,31,32,33	7 марта 2014 года в 13:30
1152/2	Сурхандарья	Термез	Солиобод	6	34,35,36,37,38,39	7 марта 2014 года, в 13:30
1152/3	Сурхандарья	Термез	Солиобод	6	40,41,42,43,44,45	7 марта 2014 года, в 14:00
1153/1	Сурхандарья	Термез	Солиобод	6	46,47,48,49,50,51	7 марта 2014 года, в 14:00
1153/2	Сурхандарья	Термез	Солиобод	2	52,53	7 марта 2014 года, в 14:00
1154/1	Сурхандарья	Термез	Солиобод	2	54,55	7 марта 2014 года, в 14:30
1154/2	Сурхандарья	Термез	Солиобод	2	56,57	7 марта 2014 года, в 14:30
1155/1	Сурхандарья	Термез	Солиобод	2	58,59	7 марта 2014 года, в 15:00
1155/2	Сурхандарья	Термез	Солиобод	2	60,61	7 марта 2014 года, в 15:00
1156/1	Сурхандарья	Термез	Солиобод	2	62,63	7 марта 2014 года, в 15:30
1156/2	Сурхандарья	Термез	Солиобод	2	64,65	7 марта 2014 года, в 15:30
1157	Сурхандарья	Шурчи	Бахшитепа	12	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12	7 марта 2014 года, в 16:00
Итого:				77		

Услуги лицензировано.

Жанубий Африка Республикаси (ЖАР) пойтахти Йоханнесбург яқинидаги ташлаб қўйилган кон шахтасида икки юз нафардан ортиқ ноқонуний кончи қамалиб қолди.

Ноқонуний иш — келтирар ташвиш

Уларга ёрдам бериш учун ўттиз нафар кончидан иборат гуруҳ ишга киришган. Бу ҳақда ЖАР Фавқулодда вазиятлар хизмати вакили Вернер Вермаак маълумотига таяниб Reyters ахборот агентлиги хабар қилмоқда.

Ўз ҳолига ташлаб қўйилган мазкур конда ноқонуний кончилар олтин қазиб олиш билан машғул бўлишган. Шахтага кириш йўлини ўпирилиб тушган тошлар туфайли тўсиб қолиши натижасида ичкаридагилар қамалиб қолишган. Ҳалок бўлганлар ёки ярадорлар ҳақида аниқ маълумот йўқ.

ЖАР олтин конлари дунёдаги энг чуқур ҳамда ишлаш учун хавфли конлардан ҳисобланади. 2014 йилнинг феврал ойи бошларида ҳам чуқурлиги деярли бир ярим километр бўлган конда ўн нафар кончи ташқи дунёдан узилиб қолганди. Кейинчалик қутқарувчилар улардан саккиз нафарининг жасадини топишган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Реклама ўрнида

Мижозлар хизматида

DAVR-BANK

«Давр-банк» — ҳамиша бирга, ҳар дам ҳамнафас

«Давр-банк» хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банки мана 12 йилдирки, юртимизда банк хизматларини кўрсатиб келаётган нуфузли банклар сирасига киради. Банкнинг кредит қўйилмалари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 3 баробарга ошди. Банк томонидан ажратилаётган кредитлар кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ривожланишига, аҳоли турмуш фаровонлигининг яхшиланишига, янги иш ўринларининг яратилишига замин яратди. Ўтган даврда, айниқса, банк томонидан ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Буни банк мижози — ёш тадбиркор эътирофидан ҳам англаш мумкин.

Тошкент шаҳри, Чилонзор туманидаги «PRIME TIME SERVISE» МЧЖ раҳбари Бекзод САМАДОВ:

— Компютерга болалигимдан қизиқаман, лекин молиявий маблағларим етишмаганлиги сабабли



ўйлаб қўйган ишларимни кейинга қолдирар эдим. Туман ҳокимиятида Марказий банк ҳамда тижорат банклари ходимлари иштирокида тадбиркорлар ва тадбиркорликни бошлашни мўлжаллаётган ёшлар билан ўтказилган йиғилишларда бир неча бор қатнашдим. Режаларимни Марказий банк ходимларига билдирган эдим, тумандаги «Давр-банк» мутахассисларига учрашишни ҳамда бизнес режани тақдим этишни маслаҳат беришди. Банк ходимлари бизнес режамни ўрганиб чиққанидан сўнг, компютер ва интернет хизматлари кўрсатишни ташкил этишим учун 120,3 млн. сўм миқдорида кредит маблағи ажратишди. Бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятини тўлиқ йўлга қўйдим, иш ҳажмининг ошиши қўшимча ходимларга бўлган талабни келтириб чиқарди. Бунинг натижасида, яна 3 та янги иш ўрни яратилди. Келажакда фаолиятимни янада кенгайтиришни мўлжаллаганман.

Фикримча, ҳар бир ёш тадбиркор ўзининг бизнес режасини пухта тузиб, амалга оширмоқчи бўлган ишларига ишонч билан ёндашадиган бўлса, уларнинг орзулари, ўй-хаёллари ҳаёт юзини кўради.

Насиба ИСМАТОВА,
«Ishonch» мухбири

Ishonch
2014-yil 18-fevral № 23 (3372)

Юртнинг равнақи

жисмонан соғлом, маънан баркамол авлод қўлида

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ким билсин, ана шу ортда қолган йилларда қанчадан-қанча истеъдодларни йўқотдик экан? Улар ичидан Одил Аҳмедов каби машҳур футболчилар ёки Севара Қодирова сингари жаҳон чемпионлари етишиб чиқиши мумкин эмасмиди?! Мумкин эди. Бироқ шароит йўқлиги, спортга, ёш авлод камолига эътиборсизлик бунга имкон бермаган.

«Суюнчи» филмини ҳаммамиз севиб томоша қиламиз. Унинг бош қаҳрамонларидан бири Шермат томонидан айтилган бир гап бор: «Мен манави тоғлар орасида номим чиқмай ўлиб кетишни истамайман».

Ҳар гал шу филмни кўрганимда болалигида олдига улкан мақсадларни қўйган, бироқ замона зайли шароит, имконият бўлмаганини эслаб афсусланаман.

Бугун ҳаммаси бошқача. Шаҳару қишлоқларимизда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида ёшларимиз спортнинг турли йўналишлари бўйича мунтазам шуғулланиб, соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камол топмоқдалар. Фарзандларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан мутаносиб ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар юртимизнинг ҳар бир ҳудудида изчил олиб борилмоқда. Хусусан, наманганлик спортчи ёшлар ҳам шу каби ғамхўрликлар оғушида изланмоқдалар.

Буни биргина вилоятимизда 2003-2013 йиллар мобайнида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 150 та объект қурилиб, фойдаланишга топширилгани билан ҳам изоҳлаш мумкин. Улардан 137 таси спорт иншоотлари бўлса, қолган 13 таси болалар мусиқа ва санъат мактабларидир. Мазкур йўналишдаги ишлар учун 61 миллиард 500 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Барча спорт мажмуалари замонавий инвентарлар ва жиҳозлар билан таъминланиб, уларда минг-минглаб наманганлик ёшлар спортнинг ўттиздан ортиқ тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

Албатта, яратилган имкониятлар туфайли спортчиларимиз ўзларига билдирилган ишончни оқлаб, юксак натижаларга эришмоқдалар. Жорий йилда улар томонидан спортнинг турли йўналишларида 1078 та медал қўлга киритилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Юртимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор эртанги кунимизнинг суянчи, таянчи ва ишончи бўлган ўғил-қизларимизни янги, янада юксак марраларга чорлаши шубҳасиздир.

Баҳодир МЎМИНОВ,
журналист

ШАХМАТ

Ҳамюртимиз, ФИДЕ устаси Темур Игонин Минск шаҳрида ўтказилаётган «David Bronstein Memorial 2014 tournament A» халқаро турнирида ажойиб натижаларни қўлга киритмоқда.

АНАНДНИ ҲАЙРАТГА СОЛГАН ТЕМУР

Вакилимиз мусобақаларнинг дастлабки уч учрашувида бирон-та мағлубиятга учрамади: озарбайжонлик халқаро спорт устаси Бахруз Рзаев (рейтинги 2459) ва қозоғистонлик гроссмейстер Ринат Жумабоевни (2564) енгган бўлса, мезбон гроссмейстер Владислав Ковалев (2557) билан дуранг ўйнади.

Игонин 2118 рейтинг очкоси ва мусобақаларда 133-рақамига эга бўлгани ҳолда, 3 тур якунларига кўра учинчи ўринга кўтарилди. Бундан ташқари, кучли шахматчилар билан ўйинда ижобий натижаларга эришгани учун 2800 пунктдан иборат первофоманс рейтингга эга бўлди.

Маълумки, ўн уч ёшли Игонин ўтган йили мактаб ўқувчилари ўртасида Грецияда ўтказилган жаҳон чемпионатида бронза медалини қўлга киритган эди. 2010 йилда 10 яшар шахматчилар ўртасидаги Осиё чемпионатида бронза медали, 2012 йилда Шри-Ланкадаги Осиё чемпионатида классик шахмат бўйича мусобақаларда учинчи ўрин ва тезкор шахмат бўйича мусобақаларда иккинчи ўринни эгаллаган эди. Дарвоқе, 2011 йилда Тошкентда ўша пайтдаги амалдаги жаҳон чемпиони Вишванатан Ананд устидан ғалаба қозонган истеъдод соҳиби ҳам айнан Темур эди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида енгил атлетика бўйича ёпиқ иншоотларда ўтказилаётган Осиё чемпионати қизғин паллага кирди.

АТИГИ 4 СМ. ЕТМАДИ

Ушбу нуфузли мусобақа терма жамоамиз аъзолари учун омадли бошланди.

Ядро улоқтириш бўйича баҳсларда София Бурхонова зафар қучди. Узунликка сакраш беллашувида кумуш медал ҳамюртимиз Даря Резниченкога насиб этди. Энг яхши уринишга кўра 6 метр 30 см. узунликни қайд этган Даря Осиё чемпиони — япониялик Юрина Хиракадан 4 см. кам натижа кўрсатди.

Узунликка сакраш бўйича эркаклар ўртасида Андрей Резниченко 7 метр 22 см. натижа билан 8-ўринда қолди.

Нигина Шарипова 60 метрни 7,99 сонияда югуриб ўтди, лекин бош финалда қатнашиш насиб этмади.

400 метрга югуришда Артём Дьятлов гуруҳда марра чизиғини иккинчи бўлиб кесиб ўтди (49,45). 1500 метр масофага югуришда олтин медал асли эфиопиялик, лекин кўп йиллардан буён Баҳрайн термаси шарафини ҳимоя қилувчи икки карра жаҳон чемпиони Марьям Юсуф Жамолга топширилди. Бизнинг спортчимиз Ирина Мороз маррага тўртинчи бўлиб келди (4:25,98).

Кўпкураш мусобақаларида терма жамоамиз аъзоси Леонид Андреев иккинчи кун олдидан шоҳсупага кўтарилиш учун муносиб замин ҳозирлади. Тўртта тур ортда қолган вазиятда у 3181 очко тўплаб, пешқадамдан ортда бормоқда. Леонид ҳаммадан узоқроққа сакради (7.07), баландликка сакрашда фақат уринишлар сони кўплиги боис иккинчи ўринга тушди (1.99), ядро улоқтиришда учинчи бўлди (14.49). 60 метрлик масофани Андреев 7,24 сония ичида югуриб ўтди.

ФУТБОЛ

«Бунёдкор» футбол клуби испаниялик ярим ҳимоячи Карлес Кото билан шартнома имзолади. Бу ҳақда ЎзПФЛ матбуот хизмати хабар берди.

«БАРСЕЛОНА» ТАРБИЯЛАНУВЧИСИ «БУНЁДКОР»ДА

Ушбу ярим ҳимоячи 2001-2007 йиллар оралиғида Каталониянинг «Барселона» футбол мактабида таҳсил олган. Профессионал фаолиятини Белгиянинг «Мускрон» жамоасида бошлаган. Кейинчалик Испаниянинг «Севиля» ва «Бенидорм», Кипрнинг «Анортосис», Грузия ва Белоруссиянинг «Динамо» жамоаларида фаолият кўрсатган. Шунингдек, Испания U-16 ва U-19 терма жамоаларида бир неча учрашувларда иштирок этган.

Қайд этиш жоиз, мавсумолди йиғинлари давомида «Бунёдкор» бир қатор легионер футболчиларни кўрикдан ўтказди. Улар — Арслонмурод Омонов (Туркманистон), Камил Капунек (Словакия), Сергей Симоненко, Руслан Аблитаров ва Вячеслав Шарпар (учаласи – Украина) ҳамда Карлес Кото (Испания).

Таркибни кучайтиришга бу қадар эътибор берилаётгани бежиз эмас, 2014 йилги мавсумда «Бунёдкор» Осиё Чемпионлар лигаси баҳсларида ғолиб чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Фарғона вилояти умумтаълим муассасаларида хорижий тилларни ўқитиш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЎҚИТИШ СИФАТИ ОШМОҚДА

Учкўприк туманидаги умумтаълим мактабларида 101 инглиз тили хонаси ташкил этилиб, замонавий техник воситалар билан жиҳозланди. 172 нафар инглиз тили фани ўқитувчиси қайта малака ошириш курсларига жалб қилинди ҳамда уларнинг дарс ва дарсдан ташқари ўқув машғулотларида илғор педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш кўникмаси оширилди. Натижада, мактабларда инглиз тилини ўқитиш сифати сезиларли даражада яхшиланди, ўқувчи-ёшларда эса тил ўрганишга бўлган қизиқиш ва иштиёқ ортиб бормоқда.

СУРАТЛАРДА: *Учкўприк туманидаги 19-умумтаълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси Ҳуснора Аҳмадқулова машғулот пайтида.*

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА)олган суратлар

Бор бўл, оқибат!

Юртимизда ёш авлод саломатлигига кенг эътибор қаратилмоқда. Жумладан, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига ёрдам бериш, бемор болаларни соғломлаштириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор.

Шодликка тўлсин кўнгил

Жамғарма бу борада қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Шундай ҳамкорлик доирасида Корея Республикасининг Ёнсей университети қошидаги «Severance» госпитали шифокорлари юртимизда бўлиб, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги бемор болаларни тиббий кўрикдан ўтказишди.

— Қизим 14 ёшда, — дейди Олмазор туманилик Қодир Сиддиқов. — Узоқни кўра олмайди. Мутахассислар уни текширувдан ўтказиб, даволаш мумкинлигини айтишди. Керакли муолажани олса бўлди экан. Бундан жуда қувондик.

— Ўғлим туғма юрак касаллиги билан дунёга келган, — дейди Чилонзор туманида яшовчи Шоҳиста Шопўлатова. — У тўрт ёшдан ошди. Текширув асноси ҳеч қандай хавотир йўқлигини билдик. Фақат соғлиғига эътиборли бўлишимиз лозим экан. Бундай кўрикни ташкил этаётганлардан беҳад миннатдормиз.

Тиббий кўриклар билан бирга, хорижлик шифокорлар Тошкент педиатрия тиббиёт институтида соҳа вакиллари учун «Бемор болаларда туғилиш ва туғма юрак нуқсонини бартараф этиш даврида гемодинамик асоратлари ва адаптацияси» ва «Инсон организмидаги туғма аномалиялар» мавзуларида маърузалар ўқишди.

Жамғарма томонидан бемор болаларни чет элдаги нуфузли клиникаларда даволаш махсус дастури ҳам ишлаб чиқилган.

2002 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро ташкилоти ўртасида уч томонлама ҳамкорлик шартномаси имзоланган эди. Унга кўра, 12 ёшгача бўлган бемор ва ногирон болалар даволаниб, реабилитация қилинади. Шу йиллар давомида 231 нафар бемор бола терининг куйиш асоратлари, туғма қўл-оёқ бўғимлари ва бошқа ташхислар билан Германиянинг нуфузли клиникаларида даволанишди.

Ўтган ҳафта шартнома доирасида жамғарма вакиллари ҳамроҳлигида 13 нафар бемор бола даволаниш учун Германияга жўнаб кетган бўлса, соғломлаштирилган 7 нафар бола юртимизга қайтиб келди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири.

СУРАТЛАРДА: *даволаниш учун Германияга жўнаб кетаётган болалар.*

Тақдимот

Гулистон шаҳридаги 8-умумтаълим мактабида Сирдарё вилоят телерадиокомпанияси ижодкорлари томонидан суратга олинган «Дилозор» бадиий филмининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Ижодкорлар туҳфаси

Режиссёр Жаҳонгир Эшпўлатов, сценарий муаллифи ва Ноила роли ижрочиси Дилноза Зокирова ҳамда бошқа актёрлар филмни суратга олиш жараёни ҳақида сўзлаб беришди.

— «Дилозор» кичкинтойларимизга эсда қоларли туҳфа бўлди, — деди мактаб директори Барно Шодмонқулова. — Киноижодкорларимиздан ўғил-қизларимиз учун яратилган бу каби филмларни яна кўплаб кутиб қоламиз.

Тадбирда «Камолот» ЁИҲ Гулистон шаҳар кенгаши томонидан филм қаҳрамонлари образини талқин этган мазкур мактабнинг ўқувчиси Дилноза Зокирова ҳамда вилоят хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси Нурсултон Абдураҳмоновга эсдалик совғалари топширилди.

Баҳодир РАҲМОН

Биласизми?

Эйфел минораси

Муҳандиснинг фикрича, Эйфел минораси 20 йил туриб бериши, сўнг эса бузиб ташланиши лозим эди. Аммо хориждан келган туристлар оқими бу фикрнинг қанчалар мантиқсизлигини кўрсатди. Бугунга келиб, Эйфел минораси Франциянинг рамзи бўлиб қолди.

Бармоқларда мушаклар йўқ

Инсон бармоқларида мушаклар мавжуд эмас. Биз уларни масофадан бошқарамиз. Бармоқларни пайлар ҳаракатга солади, мушакларни билаклар ҳаракатлантиради. Агар бармоғимизни букмоқчи бўлсак, билак мушаклари пайларни тортади. Ушбу жараёнда кафтнинг 17 та, билакнинг 18 та мушаклари ҳаракатланади.

Ўзига хос «коллекция»

«Боинг-767» русумидаги самолёт — дунёнинг 800 дан зиёд корхонаси етказиб берадиган 3,1 миллион деталдан йиғилган «коллекция» дир. Самолёт деталлари дунёнинг турли мамлакатларида тайёрланади. Масалан, унинг фюзеляжи — Япония, қанотлари — Калифорния (АҚШ), бурилиш мосламалари — Италия ишчи-конструкторлари меҳнати самарасидир.

Шаҳарнинг расмий номи

Пуэбло Де Нуэстра Сенора Ла Рейна Де Лос Анжелес Де Ла Порцинкула. Бу Лос-Анжелеснинг расмий номи.

Йўловчи ташувчи авиарейс

1914 йилда илк бор йўловчи ташиш авиарейси амалга оширилган. 1919 йилдан бошлаб эса, узоқ масофага учувчи йўловчиларга салонда овқат берила бошланган.

Чизиқли чегара

Италия ва Ватикан ўртасидаги чегарани асфалтга чизилган пунктир чизиқ ажратиб туради.

«Конкорд» авиалайнери

Овоздан тез учадиган «Конкорд» авиалайнери парвоз пайтида целсий бўйича 95 даражагача қизиб, 12,5 см. га узаяди.

Интернет хабарлари асосида Ж.ЭРГАШЕВ тайёрлади

Реклама ва эълонлар

Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббий маркази Тери ва замбуруғли касалликлар бўлими

ТЕРИ ВА ЗАМБУРУҒЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШ

Замбуруғли касалликлар билан боғлиқ саволлар бўйича маслаҳатлар

Мулоқот учун телефон рақамлари:
(+99898) 812 05 06; (+99893) 390 09 03;
(+99890) 963 01 06. (+99893) 655 03 04;

Хизматлар лицензияланган.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 20.40

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 218 | 22290 nusxada bosildi | 1 2 3 4